

УДК 617.753.2

**ЎСМИРЛАРДА РИВОЖЛАНГАН МИОПИЯДА ТЎР ПАРДА  
ДИСТРОФИЯСИНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИ**

**Андижон Давлат Тиббиёт Институти**

**Т.Ж. Усманова, Д.Абдурахманова**

**Аннотация.** Илмий мақолада ўсмирларда ривожланган миопияда тўр парда дистрофиясини ривожланишига таъсир этувчи хавф омиллари ва уларни бартараф этиш профилактикасининг долзарблиги кўрсатиб ўтилган. Хозирги кунда офтальмологиянинг долзарб муаммоларидан бири XX1 аср эпидемияси бўлган бу клиник рефракция касалликлари бўлмоқда. Касаллик кўсатгичи йилдан йилга ўсиб бориши, касалликнинг ёшариши ва оқибатда ногиронлик ни кўпайиш сабабини ўрганишдан иборат мақсад кўйилди..

**Калит сўзлар:** Рефрактометрия, скиаскопия, ОКТ, Фундус, А - скан.

**КЛИНИЧЕСКОЕ ТЕЧЕНИЕ СЕТЧАТОЙ ДИСТРОФИИ ПРИ  
ПРОГРЕССИРУЮЩЕЙ МИОПИИ У ПОДРОСТКОВ**

**Андижанский Государственный Медицинский Институт**

**Т.Ж. Усманова, Д.Абдурахманова.**

**Аннотация.** В научной статье показана актуальность факторов риска, влияющих на развитие сетчатой дистрофии, и профилактики их устранения при близорукости, развившейся у подростков. В настоящее время одной из наиболее актуальных проблем офтальмологии являются эти клинически рефрактерные заболевания, которые являются эпидемиями 201-го века. Возбудитель заболевания заключается в изучении причины увеличения роста заболевания из года в год, омоложения заболевания и инвалидности у оcybat..

**Ключевые слова:** рефрактометрия, скиаскопия, ОКТ, глазное дно, а-сканирование

**CLINICAL COURSE OF NET CURTAIN DYSTROPHY IN ADVANCED MYOPIA  
IN ADOLESCENTS**

**Andijan State Medical Institute**

**T.J. Usmanova, D.Abduraxmanova.**


**Annatation.** The scientific article shows the relevance of risk factors affecting the development of mesh dystrophy and the prevention of their elimination in myopia developed in adolescents. Currently, one of the most pressing problems of ophthalmology are these clinically refractory diseases, which are epidemics of the 201st century. The causative agent of the disease is to study the causes of the increase in the growth of the disease from year to year, the rejuvenation of the disease and disability in ocybat..

**Key words:** refractometry, skiascopy, OCT, fundus, a-scan

Ривожланган миопияда тўр парда дисрофияси – Энг кўп таркалган кўз касалликларидан бири бўлиб кўриш ўткирлигини сезиларли даражада пасайишига, кўриш орқали ногирон бўлиши ёки кўрмай қолишига сабаб бўлади. Дунё бўйича касалликнинг таркалиши ЖССТ

маълумотиға кўра касаллик билан мурожат қилганлар сони хар 300 минг аҳолининг 160 мингини ташкил қилади. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда ривожланган миопияда тўр парда дисрофияси кўриш туфайли ногиронлик бўйича глаукома ва диабетик ретинопатиядан сўнгра учинчи ўринда туради. Ривожланган миопияда тўр парда дисрофиясида иккала кўзни шикастланиши 60% ташкил қилади.

Касаллик икки томонлама сурункали характерга эга. Ривожланган миопияда тўр парда дисрофияси асосий ривожланишга таъсир этувчи омиллар, генетик фактори ва ультрабинафша нур таъсири, ахборот ресурс технологияларидан нотўғри фойдаланиш ва нотўғри овқатланиш.




Касалликни эртанги аниқлаш, уни ривожланишини ва асоратларини олдини олиш офтальмологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

**Касалликни ўрганишдан мақсад** Ривожланган миопияда тўр парда дисрофияси ривожланишидаги клиник факторларни ва хавф омилларини ўрганиш.

**Материал ва методлари.** Андижон вилоят кўз касалликлари клиник шифохонасида 2 йил давомида 131 та бемор ривожланган миопияда тўр парда дисрофияси ташхиси билан стационар даволанди. Беморлар ёши 16 дан 55 ёшгача. Эркаклар 85 та, аёллар 46 тани ташкил қилди. Барча беморларга тўлиқ офтальмологик текширувлар стандарт асосида олиб борилди. Анамнез йиғиш давомида беморлардаги зарарли одатлар тамаки чекиш, спиртли ичимликлар истемол қилиши, хамроҳ касалликлар, бемор бўйи, оғирлиги аниқланди. Беморларда кўриш ўткирлиги, КИБ, переметрия қилинди. Кўз туби гониолинза ёрдамида кўрилиб, ОКТ ва ФУНДУС камера текшируви ўтказилди.

**Текширув натижалари.** Ўтказилган текширувлар натижасига асосан беморлар ёшига қараб 3 та гуруҳга бўлинди. 16-25 ёшгача 38 та бемор, 25 - 35 гача 55 та бемор, 35 -55 гача -38 та бемор.

Тоғли худудларда яшовчи беморлар билан шаҳарда яшовчи беморлар 66% ва 34% ташкил этди. Беморларни 36 таси юкори тоғли худудларда яшайди. Беморлар вазни 65 кгдан 78 кг гача: 4 та беморда - 70 кг дан - 80 кг гача; 80% беморларда тана оғирлигининг юкори даражадалиги кузатилган. Олинган натижаларни таҳлил қилинганда қишлоқ аҳолиси орасидагига нисбатан, шаҳар аҳолиси орасида семизликга чалинганларда тўр парда макуляр дегенерацияси 9 баробар юкорилиги аниқланди.



Ёмон одатлар билан одатланганларда: спиртли ичимликлар истемол қилганларда 39 (29%) тамакида - 45 %). 8 та беморда генетик фактор таъсири аникланди. Булар яқин қариндошлик никохларда.

Шифохонада даволаниш даврида назоратга олинган беморларда шуни кузатилдики, барча беморларда хамрох касалликлари борлиги аникланди. Шуни таъкидлаш зарурки, энг кўп ривожланган миопияда тўр парда дисрофияси ошқозон ичак системаси касалликларида 68%, сурункали колитда 38%, суяк бўғим системаси касалликларида - 34% учради

Кўз олмаси томирли қавати хориокапилляр кисми, шишасимон тана лойқаланиши ва тўр парда пигмент эпителийси яллиғланишлари кузатилди.

**Хулоса.** Олинган натижалар шуни кўрсатадики шахар ахолиси орасида ривожланган миопияда тўр парда дисрофияси 76% холатда, шундан 60% - аёлларда, (80%) семизликга чалинган ва хамрох касаллиги бор беморларда бўлади.

Бу шуни кўрсатадики, барча мутахассислар асосан терапевт, ортопед, эндокринолог албатта офтальмологлар билан хамжихатликда фаолият кўрсатиши максадга мувофик бўлади. Ривожланган миопияда тўр парда дисрофияси профилактикаси амалга оширилади

#### Адабиётлар

1.Семеу Е.Ф. Патогенез сосудистой макулодистрофии// Тез. докл. Офтальмологического конгресса «Белые ночи», 28-31 мая 2001 г.-С. 3-5.

2.Лимбан Е.С., Шахов Е.В. Состояние и динамика слепоты и инвалидности вследствие патологии органа зрения в России// Материалы VII съезда офтальмологов России.- Москва,2000,- С. 209-214.

3.Мухина М.А., Сотникова Е.В., Кутещова О.М. Социальная значимость и актуальность проблемы лечения дистрофии// Материалы VII съезда офтальмологов России.- Москва,2000,- С. 220.

4.Шамшинова А.М. Наследственные и врожденные заболевания сетчатки и зрительного нерва.-Москва, 2001.-С.229-261.